


ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА •



## ВАТАН ЁДИ

*Эркинлари кўзларимга ёш урган,  
Товонимга тикон кирган, тош урган.  
Сўқмоқлари тизларимга сўкалиб,  
Адирлари оёғимга бош урган.*


*Ҳар хасида юз минг боғнинг қиссаси,  
Чинорлари осмонларнинг ҳассаси.  
Мамасайид бобомнинг обдастаси  
Сўрисида зору интизор турган.*

*Мозорлари шомлар ичра қарориб,  
Юлдузлари нурли ҳикмат юбориб,  
Туфроғига Оллоёрлар шеър қориб,  
Термизийлар хаёл сурган, ўй сурган.*

*Майсаларнинг тили, сувлар бадани  
Қандай гўзал тушунгайлар Ватанни.  
Эй, зангламас қиличларнинг мадфани,  
Бўронлари тулпорларга соч ўрган.*

*Мозийлардан тинглаб ҳақир сўзимни,  
Бир юз келиб куйдироди юзимни.  
Очай десам, очолмайман кўзимни,  
Қалдирғочлар қабоғимга ин қурган.*

Сирожиддин Саййид



### ЮНЕСКО

қарорига кўра,  
1994 йил «Оила йили»  
деб эълон қилинди.

Демак, 1994 йил Сизнинг севимли

«Оила ва жамият»

газетангиз йили ҳамдир.

Обуна бўлишни унутманг!

«Оила ва жамият» 47 (118)

# ҚАЛБИДА ИЙМОН БЎЛМАС

Расулulloҳ айдилар: «кўз зиноси ва қулоқ зиноси, кўл зиноси ва оёқ зиноси, қиёматда ҳамма аъзоси гувоҳлик берур».

Расул алайҳиссаломнинг олдларига бир жавон келди, расулulloҳ менга рухсат бер, зино қилойин. Асҳоблар айдилар: «эй, йигит, кўй бу сўзни». Расул алайҳиссалом айдилар: «Ул йигитни бизга юборунлар, биз анга жавоб бероли». Ул йигит

расул алайҳиссаломнинг қошларига келди. Расул алайҳиссалом айдилар: «Эй, йигит онангин ё қизингин зино қилса, сен уни яхши кўрур-мусан». Йигит: «йўқ», деди. Расул алайҳиссалом айдилар: «Санга хуш келмаса, ўзга кишига ҳам хуш келмас», дедилар. Ул йигит бул сўзни эшитиб тавба қилди.

Амирал мўминин Али киром ривоят қиладилар, расул алайҳиссалом аиди: «йироқ бўлунг зинодан.

Зинонинг олти шумлиги бордур. Уч дунёда ва уч охирадта ул кам дунёда турур. Аввал юзида нур иймон бўлмас, ҳар киши уни ёмон кўрур ва яна умри қисқа бўлур ва яна бири ризқи кам бўлур, охирадта учининг бири ҳисоб китоб бўлур. Ва яна бири ҳақ субҳона ва таоло доим ғазаб қилур ва яна бири абадул абад дўзахда қолур. Зино ёмонликдин йўлга кетгай.

«Дурул ажайиб»дан



АВЛОДЛАР

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

8 ДЕКАБР — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

## ҲАРБИЙЛАР БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шу кунларда Республика Қуролли Кучлари сафида бутун мамлакатда бўлганидек, мустақил Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

— Яқинда Мудофаа Вазириликда шу санани муносиб кутиб олишга бағишланган йиғилиш ўтказилди, — деди вазириликнинг шахсий саф билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Анвар Рашидов ўзА мухбири билан суҳбатда. — Йиғилишда конституция кун байрамга тайёргарлик жараёнидаги барча ташкилий ва тарбиявий ишни бу муҳим ҳужжатнинг тарихий ва сиёсий аҳамиятини кенг ёритиш, кўпмиллатли давлатимизнинг мустақиллиги ва ҳудудий дахлизлигини таъминлашда, конституцион тузумни муҳофаза қилишда қуролли кучларнинг тугган ўрнини чуқур тушутириб бе-

риш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлиги ҳамда шахсий сафларнинг ватанпарварлик руҳидаги тарбиясини ошириш сари йўналтириш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Умумхалқ байрами арафасида ҳарбий қисмларда очиқ эшиклар кунлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, ижодий жамоалар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилади. Бу тадбирлар маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, гарнизон бошлиқлари ва ҳарбий қисмлар командирларининг тўла ҳамкорлигида амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлашим кераки, умумхалқ байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг барча қисмларида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Ўзбекистон халқлари ҳаётининг асосий қонунидир. Конститу-

цион тузумни ҳимоя қилиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи ва шон-шараф ишидир», мавзусида ягона ижтимоий-сиёсий билимлар кунни ўтказилади. Бундан ташқари, барча ҳарбий шахарчалар, зобитлар уйлари, зобитлар ва аскарлар клублари, кутубхоналарда конституция кунига бағишланган кўргазмалар ташкил этилади.

7 декабрь кун барча қисмларда шахсий сафларнинг тантанали йиғилиши ўтказилади. Бу йиғилишларга ҳокимликлар вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар, меҳнат жамоалари намояндлари таклиф этилади.

Байрамга бағишланган тадбирлар ҳозирданок амалга оширила бошланди. Мисол учун, яқинда Андижон вилояти делегацияси ҳарбий бўлинмаларга ташриф буюриб, жангчиларнинг ҳаёти билан

танишиди, ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлар ўтказди, уларнинг муаммолари билан қизиқди. Делегация аъзолари аскарларга мустақил Ўзбекистон конституциясининг ҳаётимизда тугган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб бердилар. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ва мудофаа ишлар бошқармаси номидан ҳарбийларга қимматбахо совғалар топширилди.

12-14 ноябрь кунлари уч кун давомида Тошкентда қурувчи ҳарбийлар ота-оналари, ҳокимликлар, маҳалла комитетлари, вилоятлар вакиллари билан учрашди, меҳмонлар қисм ва бўлинмаларда, қурилиш майдонларида бўлишиб, аскар ва ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ва меҳнат шароити билан танишдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари музейини бориб кўрдилар. Кейин Ўзбекистон Республикаси Қурол-

ли Кучлари марказий зобитлар уйида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ўз таассуротларини гапириб бердилар. Улуг Ватан уруши қатнашчилари, қуролли кучлар, ҳокимликлар ва маҳалла комитетлари вакиллари, шунингдек ота-оналарнинг нутқларида республикамиз қуролли кучлари кунини таъсис этиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Йиғилишда қабул қилинган Ўзбекистоннинг барча жангчиларига мурожаатномада қуролли кучларимиз республикамизда конституцион тузум барқарорлигида қадим бўлиб келгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажиги таъкидланади.

Ҳарбий хизматчилар умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси конституцияси кунини муносиб кутиб олишига шубҳа йўқ.

Т. БОТИРБЕКОВ  
ЎзА мухбири

Етти кун

СОТТИ, МЎТТИ ВА

Сиддиқ Маҳмудовлар Халқлар Дўстлиги саройида концерт бермоқчи. Мўттин танийсиз. Ҳа, уша ўзимизнинг Мўттивой-чи! (Шерали Ҳожиев), Баракалла. Келишган бўлсак, 27-ноябр кун Халқлар дўстлиги саройига чипта олишга шошилинг. Яна газетимизнинг кейинги сонларига яхшилаб қараб боринг.

**«ЯШАШ ҚАНДАЙ ЯХШИ, ЯШАШ ҚАНДАЙ ЗУРИ!»**

Бувайда тумани Қўнғирот қишлоғининг энг кекса отахони Толиб бува Нишонов 103 ёшни қаршилади. Синглиси Тожинисо она — 95, укаси Ражаббой — 86, яна бир синглиси Холнисо — 83, кичиги Кенжабой — 80 ёшга кўйди. Толиб бува ҳали бардам. Ҳатто шу пайтгача бирор марта шифокорга мурожаат қилмаган. Худо умрибоқий бу шажарани паноҳида асрасин.

МАШИНА УРНИГА — ОТПАР

Битта машинага, бир йил бош мутахассисни олиб юриш учун 2,5 милён кетаркан. Ҳозирги кўпгина жамоа хўжаликлари давлатдан қарздор бўлиб қолаётган бир пайтда бунинг турган-битгани зарар эканлигини раҳбарлар тушунишди, шекилли. Қашқадарё вилоятида 126 нафар бош мутахассис улов сифатида отдан фойдаланмоқда.

ШАКАР КЎП БЎЛАДИ

Хоразмда мамлакатнинг энг йирик шакар заводи қуриладиган бўлди. Туркиянинг «Юксел иншаат КО ИНК» қурилиш компанияси билан ҳамкорликда тикланадиган бу корхона суткасига 3, йилга 6-10 млн тонна шакар ишлаб чиқаради.

БОҒЧАЛАРДА КОМПЮТЕРЛАР

«Компютер асри» юртимизга ҳам кириб келмоқда. Энди катта-катта муассасалардан тортиб, боғчаларгача Электрон Ҳисоблаш Машиналари «фаолият кўрсатмоқда». Ўзбекистон — Булғория «Вариант» қўшма корхонаси жумҳурият мактаблари билан бирга болалар боғчаларини ҳам компютерлаштиришга киришди.

Яшасин «Компютер асри!»

«БУНЧА ГЎЗАЛ БУ ОЛАМ!»

Задарё тумани Амир Темур жамоа хўжалигида яшовчи Санобар опа Уришованинг 15 ёшли жигарбанди Ҳамидулло дунёга келибдики, гунг ва кар эди.

Чустдаги «Парилар маҳалласининг париси», табиба Нафисахон Йўлчиева биринчи муолажасидаёқ ўсмирга тил ва қулоқ ато этди. Ҳамидулло энди умрини ростакамига қайтадан бошлади.

КЕТМОН БИЛАН СОЛДИ

— деб хабар беради «Наманган ҳақиқати». Нима бўлди-ю, Чустнинг Ёрқишлоғилик боғбон Н. САЖИМОВ ҳамкасби М. Султонов билан жанжаллашиб қолди. Ва узоқ ўйламасдан «рақиб»нинг бошига қўлидаги кетмон билан солди. М. Султоновга тан жароҳати етди.



ШОИР МУҲАММАД АЛИ ВА  
ШИФОКОР ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР

— «Юрт кўрган эл билар» дейди халқимиз. Сиз яқинда Амрико сафаридан қайтдингиз. Утган йили 1,5 ой, бу йил эса қарийб 100 кун у ерда муқим яшадингиз.

— Ҳа, сафарга бориш ҳамиша ҳам яхши саналган. Чунки кўп нотаниш ерларни кўрасиз, дунё танийсиз. Мен утган йили Сизтлдаги Вашингтон университети профессори, адабиётимиз ва маданиятимизнинг дўсти ҳамда тарғиботчиларидан бири Илзахоним Сиртаутас таклифи билан Амрико сафарига борган эдим. Бу йил ҳам шундай бўлди. Гап шундаки, Вашингтон Университетида йил давомида доимий равишда ўзбек тили ўргатиладиган курслар ишлаб туради. Бундан ташқари, Марказий Осиё тилларини ўрганиш Езги дастури ҳам мавжуд. Мен ана шу Езги дастурда иштирок этдим, амриколик талаба ва аспирантларга она тилимизни ўргатиш, шу аснода адабиётимиз, маданиятимиз, тарихимизни тарғиб этиш ишлари билан машғул бўлдим. Шунан айтишим керакки, Амрикода юртимизга қизиқиш тобора кучайгандан кучайиб бормоқда.

— Амрико зиёлилари, оддий ўқувчилари бизнинг мустақил Республика-мизда кечаётган бугунги жараён билан қанчалик даражада таниш...

— Юртимизда чиндан ҳам оламшумул воқеалар юз бермоқда. Лекин биздаги бу улуг воқеаларни ҳали Амрикода кўпчилик билмайди, десам хато бўлмас. Мен бу ерда ҳурматли юртбошимиз БМТ минбаридан нутқ сўзлаб, Ўзбекистонни Амрикога машҳур қилган пайтгача бўлган ҳолини назарда тутмоқдаман. Умуман Амрико эмин-эркин бир дён экан. Ҳар ким ўзи билан ўзи банд, ўзиши билан машғул, ўз кўнрағига кул тортган. Энг муҳим нарса, бу — бизнес, пул топиш. Шу нарса одамларнинг эс-хаёлини тамоман банд қилган. Назаримда, улар даставвал шу ишларни адо этишиб, кўнглини бир жойга қўйиш, вақт қолса; кейин оламдаги воқеаларга назар ташлашга киришадилар.

Амрикода сенсацияни жуда яхши кўришади. Россияда, Оврупода, Осиёда шундай фавқулодда ҳодисалар юз берса ёки ўша воқеалар маълум маънода Амрикога тегишли бўлса, шулар ҳақида кўпроқ ёзишади. Амрико ойнаи жаҳонда Си-Эн-Эн телекомпаниясининг «Олам 30 минут ичида» дастури бор, кечаю кундуз ҳар ярим соатда олам ахборотлари ҳақида маълумот беради. Мен уч ой давомида дастурда Ўзбекистон тўғрисида бирон бир хабар берилганини кўрмадим. Шунинг учун ҳам одамларимиз кўпроқ хорижда, дунёга чиқишлари керак, мамлакатимиз, халқимиз ҳақида бор ҳақиқатни ёйишлари керак. Буни ўзимиз қилмасак, биров бош қўшмайди.

— Утган йили «Муштум»да «Ён дастар»нингиздан ушбу сўзларни ўқиб эдим: «... Измлар измида юрaverиб, издан чиқиб кетганимизни ҳам билмай қолибмиз. «Ҳа, биз саводимизни ҳар хил — «Изм»лар билан чиқардик. Амрикода бу тушунчага қараш биздагидан фарқ қилса керак!

да ўзи оғриққа, дардга мойил нарса. Мен шоир деганда, умуман ижодкорни назарда тутаялман. Шунинг учун ҳар қандай шеър ёки бошқа асар ўша юракдаги оғриқ садолари, дард сасларидир. Лекин бу дардларни биз етмиш йил давомида очиб айта олмаб, азоб тордик. Эсимга бир воқеа тушади: ўтган йили Амрико сафари вақтида Нью-Жерси штатида ўзбек шоири Эргаш Учқун уйда меҳмон бўлдим. Эрталаб у кишининг машинасида, шоиримиз рулдалар, Нью-Йоркка йўлга чиқдик. Мен Москвага учушим керак эди. Йўлда шеърлар айтишдик, кўзларимиз йўлда, ўзимиз шеърлар ўқиймиз. Уқиб бўлдик. «Ўзбек шеърятни рамзларга бой, сирли, — деди Эргаш ака. — Бизнинг шеърларимиз эса содда, дардларимизни очиб айтмайиз кўямиз. «Ҳа, бизнинг шеърят сирли шеърят, қайси шоиримизнинг ижодини олиб кўрманг, шунинг гувоҳи бўласиз. Лекин баъзан шеърларимизни шундай сирли қилиб юборамизки, кейин ўзимиз ҳам асл мақсадимизни англай олмаб қолмайиз. Аммо қаердаки, ўзимизни англашга интилган бўлсак, шу ерда беар-

да бўлган беш нафар Озарбайжон гизетчилари ва бошқа меҳмонлар шитирок этдилар. Ҳамма бизларни кутлуг байрам билан муборакбод этди. Мен сўзга чиқиб, сўзимнинг охирида «Қўзичоқ» деган шеъримни ўқидим. Ажабо, қарийб ўттиз йил олдин ёзилган бу кичик шеърни рамзий маънода тушунишдими (кейин менга қўзичоқ Ўзбекистон харитасига ўхшаброк кетади, дейишди, билмадим) ҳарқалай яхши қабул қилишди. Шеърдаги го-я Ўзбекистоннинг бугунги ҳолатига мос келадими... Яхшиши, мана ўша шеър: Яшил ўтлоқ эркаси, сакрай-сакрай тинмайсан,

Оламда не гаплар бор,  
англамайсан, билмайсан.  
Майсаларга эгиб бош, қурт-қурт қилсан доим,  
Онани суйиб юнглиринг ялаб қўяр мулойим.

## ШОИР БИЛАН ШИФОКОР БАҲСИ

Уларда «...Биз ҳозир империализм даврида ёки... юксалган капитализм даврида яшаймиз» деган ақида ёки мафкура одимлари сезилади!

— Йўқ, сезилмайди. У ерда ҳали айтаётганимдек, биринчи ўринда бизнес туради. Билмадим, бизнесни нима дейсиз — социализм дейсизми, капитализм? Амриколиклар учун бунинг фарқи йўқ, улар ҳалол меҳнат қилишга ўрганишган, шунга яраша ҳақ оладилар. Бир давра ўтирганимизда, мен, Амрикода демократия борми, деб сўрадим. Сўхбатдошларим бир-бирларига кулиб қараб қўйишди-да, «Бор!» деб жавоб беришди. Лекин, ундан ҳам зўрроқ нарса бор, бу — бизнес, дейишди. Дарвоқе, демократия ҳақида. Амриколиклар ўз навбатларида менга ҳам бу ҳақда савол беришди. Амрико ёш мамлакат, дедим уларга жавобан, тарихи ҳам нисбатан ёш, қадимда давлатлари бўлмаган. Шунинг учун, сизлар жаҳондаги энг илгор мамлакатлар, давлатлар тажрибаларини ўрганиб иш юритишга ҳаракат қиласизлар. Бизнинг мамлакатимиз эса жуда қадимий юртлардан, жаҳон маданиятининг нодир масканларидан бири. Ўзбекистоннинг, Туркистоннинг тарихида жуда улуг давлатлар даврон сурган, бобокалонларимизнинг юртини бошқариш, давлат ишларини юритиш тўғрисида тақриблалари жуда кўп, улар китобларда ёзилган, мерос бўлиб бизларга етиб келган. Халқимизнинг онги, руҳияти, табиати, дунёқараши, табиийки, ана шу тажрибаларга асосланган, ўрганган. Шуларни ҳисобга олиб иш юритилмаса, давлатчилик ишларида ноқоиш ҳолатлар рўй бериши мумкин. Юртбошимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли бор, деганларида ана шуларни назарда тутганлиги шубҳасиз... Жавобимни эшитишган амриколиклар, тўғри айтасиз, сўзларингизда мантиқ бор, шароитни ҳисобга олиб қадам ташлаш керак, деб фикримга қўшилишди.

— Шоирлар халқ қалбининг кўзгусидир. Халқнинг аини дамда дилидаги гапларни гоҳида янгрқ, гоҳида жўшқин, гоҳида маҳзун, гоҳида ҳазин, гоҳида шиддатли, баъзан мунгли сатрлар воситасида ифода этиб маънавий юксаклики таъминлашда таъриф этмас буюклик бор. Балким ҳаёт лаззатларидан воз кечган, йиллаб сарсон-саргардон бўлган, зиндон азобларни тортган шоирларни шу куйга солган ҳам мана шу буюкликдир. Мана шу буюкликнинг тарих саҳнасидаги ўрни ҳар ким томонидан ҳар хил баҳоланди. Айниқса бундан беш-ўн йиллар илгариги вазиет ва ҳозирги...

— Шоирнинг юраги кўзга кўринмас иллар билан ўз халқи ҳаётига бориб боғланади. Бу юракда оғриқ кўп, асли-

мон дашнонлар едик, энди у кунларнинг орта қолгани рост бўлсин.

— Сиз бир қанча вақт Низомий Педагогика институтида ҳам талабаларга дарс бердингиз. Амрикода ҳам талабаларга ўзбек тилидан сабоқ ўргатиб-сиз. Амриколик ва жумҳуриятимиз талабалари орасида кенг маънода қандай фарқ сездингиз? Сиз улар ва биздаги талабалардаги яхши ва ёмон сифатларни нималарда деб биласиз?

— Амриколик талабаларнинг бир жиҳати менга жуда ёқди. Улар билим олишда жуда изчил бўладилар, улар домла ёки ота-оналари учун эмас, балки ўзлари учун ўқийдилар, қизиқиш доиралари жуда ҳам кенг. Уларнинг ҳар бири кам деганда, 4—5 тилни ўрганишган, шу тилларда бемалол гаплаша оладилар. Уларда, бир нарса қилиб олий ўқув юртини битириб олиш нияти, умуман, бўлмайди. Улар ҳамиша ишга жиддий киришадилар ва охирига етказадилар. Бизнинг талабаларимиз амриколиклардан худди шу изчилликини ўрганишса яхши бўларди. Ундан кейин, тил ўрганиш, тил, тил...

— Ватанимиз икки йиллик мустақиллик байрамини тантана билан нишонлади. Сиз бу пайтда Сизтлда эдингиз. Шу санани қандай нишонладингиз?

— 1 сентябрь куни профессор Илзахоним Сиртаутас раҳбарлигида Вашингтон университетиде бир пиёла чай билан катта тантана бўлиб ўтди. Палов дамланди. Ўзбекча куйлар янгради. Байрамда талабалар, домлар, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Боинг авиокомпанияси вакиллари, шу кунларда Сизтл-

Нариоқда аллаким сени кузатар шу чоқ,  
Кўзлариде недир бор, ёнида совуқ пичоқ,  
Сенга боқиб кўзлари тиниб кетса, ажабмас,  
Сенга қадар пичоғи синиб кетса, ажабмас...

Ж. БЕКНАЗАР  
сўхбатлашди

### Students



Preparing Students to Work and Study in the New Republics of Central Asia

U.S. Workshop offers business managers, teachers, linguists and others

By Peter M. ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

... of the ...

### ХАТ

## МИННАТДОРМАН

Ассалому алайкум ҳурматли «Оила ва жамият» рўзномаси ходимлари! Рўзномангизни жуда қизиқиб ўқийман. Айниқса оила мавзусидаги мақола ва ҳикоялар мени кўпроқ қизиқтиради. Шунингдек санъаткорлар, уларнинг оилавий ҳаётлари, ижодлари ҳақида бериб бораётган равои сўхбат, мақолаларни ўқиб, тўғриси, дам олам, қизиққан, яхши кўрган санъаткорларим ҳақида.

кўндан-кўп маълумотларга эга бўламан.

Мақтуб ёзишимдан мақсад чоп этилаётган мана шундай темадаги материалларингиз учун ўз миннатдорчилигимни изҳор этиш. Газетани бундан кейин ҳам шундай ўқилиши, севимли бўлиб қолишини истайман.

Дилдора  
ТОШМУҲАМЕДОВА  
Тошкент шаҳри

Сўзимни эски гапдан бошлайман: Башарият қандай жамиятда яшади, қайси жамиятда яшамокда ва қандай жамиятга боради? Бу савол (САВОЛ!) кўпчиликини ўйлантириши аниқ. Бироқ жўнлроқ жавобни ҳали ҳамон ахтаришмоқда. Аслида-ку кўплаб улугларимиз аср-

куламыз. Негаки, сувратидан ўз таълимоти асосида дунёга келганга ўхшагучи Дарвин аталмиш зот Одам (Одам-а!) маймундан пайдо бўлган деса, шунча йил ишониб яшай-верибмиз-а! Ҳатто ўзимиздан ўшал махлуққа ўхшаш томонларимизни қидиришдан ҳам уялмабмиз. Бу ахир сий-

яқинлашдик, десак бўлади. Яратувчини инкор этиб, маймундан пайдо бўлганига ишонган инсон охиратни ҳам унутди, балки умуман унинг борлигига ишонмай қўйди. Энди унда ташаббускорлик, масъулият аталмиш илгор тушунчалар бутунлай йўқола бошлади. Ўзи ҳайвоннинг

бу иш «менга» ёки «корхонамга» жуда оғир кетса «давлатимга» фойда-зарарми дейдиган бўлишди. (Бу нарс ҳозирги кунда бутун оламга хосдир). Мақсад моддийликка асосланган, натижа ҳам моддий манфаатга дахлдор. Бир қарашда бу тушунча яхшидек туюлади,

кузатилмиш)ни фикр этади. Бу уч кузатилмиш тизими таълимоти бўйича яшаш тушунган кишига жудаям ҳаётбахш, агар шўролар севган атамалар билан атасак — жудаям оптимистик. Мундоқ ўйлаб кўрилса, моддиончилар яратган ҳаёт мазмуни жуда ҳам пессимистик бўлган — ҳайвондан яралгансан ва охир оқибат ўласан-ўчасан. Бизнингча, бунга бошқа таъриф-таъсифнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бутун инсониятнинг бир оиладек яшашини таъминлаш учун Илоҳий таълимот, яъни ҳаёт тарзи нақадар кераклигини биз тушуниб етгандекмиз, буни барча биродарларимизга ҳам раво кўрмоқни ихтиёр этдик. Радий Фишининг «Жалолиддин Румий» номли рўмонида мавлоно Румийнинг отаси Султонул Уламо тилидан шундай жумла келтирилади:

— Тангридан келурмиз ва Тангрига қайтурмиз!..

Маъмур фикрни теранроқ тушунишимиз керак, зеро биз таърифлаган уч кузатилмиш тушунчасининг қисқа ва шоирона ифодаси ҳам шу.

Кимдир бизнинг фикрни маъқуллар, кимгадир у ёқмас. Қандай яшаш ҳар кимнинг ўз иши, бировнинг бировга ақл бўлиши мушкул. Аммо улуг динимиз ўргатганидек — ўз биродарларига яхшиликни раво кўрмоқ чин муслмон кишига хосдир, бу ҳатто моддиончилар нуқтани назаридан ҳам айб эмас. Ҳар тугул ҳалол билан ҳаромни фарқлашни ўрганиш ҳар бир одам учун зарурдир.

Наби ЖАЛОЛИДДИН

## УЧ КУЗАТИЛМИШ ТУШУНЧАСИ

лар оша таъкидлаб келаётганидек, бу жумбоққа бундан бир минг тўрт юз йил аввал ечим топилган. Аммо ўзини ўтдан чўққа урган инсоннинг тайёр ечимни ҳам ушбу кунга келиб чигаллаштириб ташлади.

Жумладан, етмиш йилдан зиёдроқ вақт давом этган маънавий асорат фикрий биқиклик бизга нималар берди-ю нималардан маҳрум этди? Дахрийлик таълимотига суяниб, унга эргашиб, худосизларга айландик. «Бордан йўқ, йўқдан бор бўлмади» деган тушунчани ўйлаб топганлар ҳам ўзларини ўзлари инкор этганларини тафаккур ойнамизга солиб кўрмадик. Ҳўп, йўқдан бор бўлмас экан, мавжуд Коинот. Ер деб аталмиш заминдаги ҳаёт, боринги, унинг дастлабки зарралари қандай пайдо бўлган, деган оддийгина саволни бергучи мард топилмади. Шунда ҳам моддиончи бўлиб қолавердик.

Биз бу кун ўзимизнинг нақадар гўл бўлганлигимиздан

ратлари айнан ўхшаш эшак отга, мушук йўлбарсга айланади, деган гап эмасми? Худди мана шу нуқтаи назар туфайли ҳам қадимги одамларнинг сийратларини жуда хунук — маймунсифат қилиб тасвирлаш одат тусига кирди. Уша биз жуда кўп дарслик ва китобларда кўрган, Тешиктошда топилган бола суяги асосида яратилган ўсмир ҳайкали бунинг яққол исботидир. Бу оламда ҳеч бир жониворнинг боласи ўшандай бадбашара эмас, ҳатто улкан отнинг, ийрткич бўрининг, серигна типратиконнинг ҳам болалари нақадар ёқимтой, халқ тили билан айтганда — «ширин» бўлади. Қайсидир ҳайкалтарош тасвирлаган инсон боласи эса... Ахир қадимги одамларнинг ўзлари тошларга чизиб қолдирган сувратларидан уларнинг келишган, қадди-баста жойида бўлганлигини манбалардан биламиз-ку.

Ана энди биз сизга айтмоқчи бўлган асосий фикрга

насли бўлса, бор-йўғи 60—70 йил умр кўрса-ю яна куйиб-пишса, бош қотирса, яхшиси вақт борида яшаб қолгани тузук эмасми! Ана сизга шўро тузумида меҳнатга муносабатнинг ёмонлашуви, жавобгарликнинг йўқолиши ва хўжасизликнинг пайдо бўлиш сабаблари. Техник мосламалари самони кучаётган инсон чор-атрофиди мавжуд бўлган шунча мўъжизалар — сайёралар, юлдузлар, уларнинг жойлашиши, ҳаво, сув ва ҳоказоларни кўриб, лол қолиб ҳам Оллоҳни инкор эта бошлади. Коммунистик тузумнинг фожиаларидан бири ва энг асосийси ҳам мана шунда бўлса ажабмас.

Моддиончилар Онгнинг бирламчилигини инкор эта бориб, яна бир сёз ва инсониятни худбинликка элтувчи тушунчани ҳам ўйлаб топдилар. Бу бир ишни қилсам фойдами ёки зарарми, деган моҳиятни ахтариш тушунчасидир. Яъни бирор ишни қилишдан олдин кишиларимиз

лекин фикримизни давом эттирсак балки унинг нотўғрилиги ойдинлашар. Илоҳий таълимотда маълумки, «фойда» ёки «зарар» эмас, «ҳалол» ёки «ҳаром» тушунчаси мавжуд. Ҳаётни бундай тушуниш орқали худбинликка (умуминсоний худбинликка) чек қўйилади. Бу ерда биз қилишни мақсад этган ишни Оллоҳ ҳаром қилганими ёки ҳалолми, деган нуқтаи назарда ёндошилади. Буни яна ҳам яхшироқ тушуниш учун учта кузатилмишга (объектга) эътиборни қаратиш лозим. Яъни биринчи кузатилмиш — «Илоҳ» (Яратувчи), иккинчи кузатилмиш — «фоний ҳаёт» (Одам) ва учинчи кузатилмиш — «Охират» (эвазига бериладиган ҳаёт). «Одам» ҳар бир ишни қилишдан олдин «буни Оллоҳ ҳалол қилганими ёки ҳаромми», — дея, «Яратувчи» (биринчи кузатилмиш)нинг ризолигини ўйлайди ва ўша ишни қилса ёки қилмаса, эвазига нима бўлиши (учинчи

Аҳмад ЯССАВИЙ

## ҲИКМАТ

*На хуш тотлиқ Ҳақ ёди саҳар вақти бўлганда,  
Болдин сучук ҳу оти саҳар вақти бўлганда.*

*Саҳар вақти турганлар жонни фидо қилганлар,  
Ишқ ўтида куйганлар саҳар вақти бўлганда.*

*Саҳар вақти хуш соат, турганга бўлғай роҳат,  
Очилур давлат саодат саҳар вақти бўлганда.*

*Ҳар уни куёр бу жоним қуллуқсиз йўқ  
дармоним,  
Сен кечургил гуноҳим саҳар вақти бўлганда.*

*Имон шаъмин ёндурсанг, руҳ қушини  
куйдурсанг.  
Худойинга сиғинсанг саҳар вақти бўлганда.*

*Қул Хожа Аҳмад, соате, бир зарра йўқ тоати,  
Зикри жонни роҳати саҳар вақти бўлганда.*



—ҲА ЯШША ЧАВАНДОЗ

Д. АҲМАД сурати

# ГИЁҲЛАР ДАВОЛАЙДИ

Ен-атрофимизда ястаниб ётган яшиллик бағрида биз учун жуда зарур бўлган дармондорилар бор. Мана шу яшилликни авайлаб-асраш, ундан оқилона фойдаланиш зарур. Мен шифокор бўлганим учун халқ табobatiда ҳар бир бемор ўзи бажарса бўладиған шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлашни оддийгина усулларини сизга ҳавола қилмоқчиман.

**ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ:** тоғрайҳони ер устки қисми дори-дармонлик хусусиятига эга бўлиб, иштаҳа очувчи ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи восита сифатида ишлатилади. Бу ўсимликдан дамлама тайёрлаганда 2 ошқошиқ мейдаланған ялпиз баргини қайнаб турған ярим литр сувда 20 дақиқа дамлаб қўйилади, овқатланишдан 30 дақиқа олдин кунига 3-4 маҳал бир ошқошиқдан ичилади.

**МЕЪДА ГАЗАГИ** (гастрит), оғиз оғриғи хасталиғи сизни безовта

қилса, ҳар куни овқатдан сўнг уч донадан аччиқ бодом мева-сини чайнаб юринг. Овқат яхши ҳазм бўлиб, оғриқ йўқолади. Узоғи билан икки-уч ҳафтада дарддан фориғ бўласиз.

Енғоқ баргини қайнатиб (ярим литр сувга бир сиким барг) ичилса ҳам фойдадан холи эмас.

**ТОМОҚ ОҒРИҒИГА:** гулбеор қайнатмасидан фойдалироқ дори йўқ. Усимли гулидан 2 қошиқ олиб, 200 мл сувда қайнатисиз. Қайнатма билан томоқни кунига 2-3 марта чайқаб турасиз. Ёки анор дарахти пўстини озгина сувда қайнатиб сўнг бу қайнатма билан томоқни чайиш зарур.

Итузумни ўн донасини олиб бир йўла сувини шимсанғиз оғриқ йўқолади.

**КЎЗ ОҒРИҒИ:** кўз мижжаси қизарганда, шиллиқ парда ялғиланишида, киприқлар тўкила бошлаганда наъматак ёки беҳи уруғидан тайёрланған шифобахш қайнатма фойдалидир. Қайнатма куйиндагича тайёрланади: бир ошқошиқ қўритилған мева ёки беҳи

уруғи устидан икки стакан сув қўйилади ва ўн дақиқача милдиратиб қайнатилади. Сўнг бир кун мобайнида «дам» едирилиб, докадан ўтказилади. Бу қайнатма билан кўзни тез-тез артиб туриш лозим бўлади.

Қишда шамоллаган кишининг кўзи ёшланади, баъзан санчиб оғрийд. Шундай ҳолда бемор товоғига хантал (горчица) кукунни сепаиб, иссиқ лайпоқ кийиб юриши, хонада тез-тез исериқ тутатиб, пиёз сувини бурунга томизиб туриши зарур.

**ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР АЙРИМ ХАСТАЛИКЛАРИ:** агар онанинг кўкрагига сут келмай қолса 1 ошқошиқ зигир донини бир пиёла қайноқ сувга солиб қошиқда аралаштирилади, бир соатча вақт ўтгач бу аралашмани учга бўлиб ичиш керак. Ёки бақлажонни бутунича сувда қайнатиб, пишириб олинади ва эзиб суви тез-тез ичиб турилади.

Ўтловчи: **М. АЛИМОВ,**  
Учқўрғон шахри

## Дераза

### СЕМРО ХОНИМНИНГ ТАКТИКАСИ

Туркиянинг марҳум Президенти Тургут Узолнинг аёли Семро Узол Турк Аёлларини Ҳимоя Қилиш ва Танитиш Вақфининг ташкилотчиси ҳамда раҳбаридир. 1986 йилда тузилган бу Вақф шу кунгача боши очиқ аёлларнинг муаммолари ва айрим қишлоқ жойларида тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланарди. Семро хонимнинг Вақфи шу йилдан эътиборан ўз тактикасини ўзгартирди; бундан кейин ёлғиз аёллар билан эмас, балки ишбилармон аёллар билан ишлашга қарор қилди.

### ПИКАССОДАН ҚОЛИШ-МАЙДИ

Давлат раҳбари бўлған пайтлар: «Пикассо чизган расмларни мен ҳам чиза оламан», деган сўзлари билан ҳаммани ҳайратда қолдирған Туркиянинг собиқ президентларидан Канъон Эвран бугун ҳақиқатан ҳам энг бозори чаққон расомлар қаторидан жой олмоқда. Яқинда унинг бир картинаси 50 минг долларга сотилди.

### ЯНА МАЙКЛ ЖЕКсон

Сентябр ойининг сўнғи ҳафтасида концерт бериш учун Истамбулга келған дунёнинг машҳур эстрада хонандаси Майкл Жексонни олқишлаганлар, кутилганидан кам бўлди. Бунинг сабабини мухлислар хонанданиннг ўтган йилги концерт дастурининг қолдирилганлиғи ҳамда билет нархининг қиммат эканлиғига боғлашди.

Паҳлавон **СОДИҚ,**  
Туркиядаги мухбиримиз.

### ХУДО АСРАСИН

Хабаровск қандолат фабрикаси ходимларига бор-йўғи 1,5 минг сўмдан гўшт тақлиф қилишди. Шаҳар тартиб посбонлари аҳолини кўлдан озик-овқат олишда эҳтиёт бўлиш, кераклиғи, яхсиси олман маъқуллиғи ҳақида қайта-қайта огоҳлантирган бўлса-да бу гал ҳам олувчилар топилди. Шу пайтгача бу ерда товуқфермада ҳаром қотған паррандаларни ферма ходимлари тозалаб, битта қолдирмай сотиб юборганлиғи, ит гўштини, қўй гўшти деб сотишганидан кўпчилик хабардор эди. Бироқ бу гал мутлақо ақл бовар қилмайдиган воқеа рўй берди.

Ҳаридорлардан бири уйига келиб олған гўшtidан шубҳаланиб мутахассисларга мурожаат этди. Пировардида маҳсулот суд-тиббiет экспертлари қўлига тушди. Ва улар «гўшт»... 25—40 ёшлардаги эркак кишиники деган ҳулосага келишди. Улка ички ишлар хизмати тўрт нафар дейдини қотил деган тахмин билан қўлга олишди.

## Оила

### 55 ЕШДА

Тошкент шахрида катта ҳовлида 3 фарзандим [ичкигим 17 ёш] билан истиқомат қиламан. Аёлим раҳматлик яқинда қазо қилған. Ўзим ҳақимда: олий маълумотли, заводда назоратчи бўлиб ишлайман. Топиш-тутишим яхши. Бўйим 160 см, оғирлигим 72 кг мўмин-мусулмонман. Худо хоҳласа, 30—45 ёш атрофида бўлған ёлғиз қўл [фарзандсиз] аёл билан оила қўриб, биргаллашиб болаларни уйли-жойли қилсак, ўғил ва келинлар бизларга хизматда бўлишиб фарағатда яшасак дейман. «Оила-269»



ОИЛА ҚУВОНЧИ

## Табриклаймиз!



**НИЛУФАР, азизимиз!** Туғилған кунингиз билан барча сабоқдошларимиз номидан табриклаймиз. Ўн саккиз ёшли ёруғ истақлар, оппоқ орзулар, муқаддас туйғулар Сизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлиб, сокин дунёингизнинг галмиғи мусиқаси каби умрингизни мушқлар ила марғуб, музайян этсин.

Бизнинг «ҳамқадам» сифатида айтаримиз кўп. Муҳими — соғ бўлинг.

**ШАҲНОЗА, ЗИЙНАТ, МУАТТАР, ТошДД, журфак, 2-босқич.**

Азиз, меҳрибон дадажонимиз Зоҳиджон **АЛИМУХАМЕДОВ!**

Сизни 24 ноябрь таваллуд тоғған кунингиз билан табриклаймиз. Қўтлуғ 60 ёшингиз Сизга туганмас қувончи бахт олиб келсин. Ҳамиша танингиз соғ, умрингиз узоқ бўлсин. Фарзандларингиз. Тошкент шахри.

Ўғлимиз **ТЕМУРЖОН** — 7 ёшинг, қизимиз **ДИЛДО**

**РАХОН** — 1 ёшинг муборак бўлсин! Узоқ умр кўрингизлар. Бахтимизга доимо соғсаломат, чопқиллаб юринглар. Атрофларингизда гирди-капалак бўлганча, келажак ҳаётларингизни порлоқ бўлишини Худодан сўраб юривчи дадангиз ва ойингиз. Тошкент шахри.

Хўрматли ва азиз, меҳрибон дадажоним **Ҳусанбой БУРИБОВ!**

Мен сизни туғилған кунингиз билан чин қалбдан табриклайман. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилайман. Табаррук ёшларга кириб, бизга доимо бош бўлиб юринг, қизингиз **САЙЕРА, ТошМИ-2, IV курс толибаси.**

Ноябрь ойининг серфайзли кунларида дунёга ташриф бурған **КОМРОНЖОН** ва унинг жасжжи сингиллари

Зухра ва Фотимаойларни туғилған кунлари қўтлуғ бўлсин. Келажакда бахтли-тахтли, давлатли-шавкатли қиз, ўғлон бўлиб улғайишин.

Яна шу ойда таваллуд топған ўғлимиз **ДАВРОНЖОН!** Биз сени яқинлашиб келадиган туғилған кунинг билан табриклаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз, деб оила-аъзоларингиз номидан **Онанг.**



Хўрматли **ГАЛИЯХОН!** 23 ёшингиз қўтлуғ бўлсин.

**Олоғ умрингизни узун, бахтингизни тўқис қилсин. Сизга доимо қувончли дамлар пешвоз чиқилишини тилаймиз, деб дўғоналарингиз ГУЛИСТОН, НАФИСА, НАСИБА.**

### ИЗОҲ

Бозор иқтисоди ҳамма соҳада ўз таъсирини кўрсатиб турған паллада бирор ёққа бориш, бировнинг кўнглини оlish ҳам оғир бўлиб қолди. Шундай ҳолатга тушиб қолсангиз ҳеч уйланманг, хижолат чекманг. Биз сизнинг яқиндан кўмакдошингизимиз. Сиз киминдир табрикламоқчисиз, тўйлари билан кўтламоқчисиз ёки газетамизда берилиб борилаётган танишув эълонлари сизда қизиқиш уйотса, танишиш истағи тўғилса, уй-рўзгор анжомларини сотиш, алмаштириш, тақчил доридармонларини олиш, сотиш фикри тўғилса, бизга мактуб жўнатишингиз ёки 39-43-95 номерга қўнғироқ қилишингиз мўмкин. Харажат пулини «Оу а ва жамият» г. т.етасига деб йўлланг. Манзилимиз: Тошкент-29, Мустақиллик майдони, 1-бино.



Мамлакатимиз билан жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги алоқалар кундан кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Жаҳоннинг юқори даражада ривожланган кўпдан кўп мамлакатлари Ўзбекистонда ўз элчихоналарини очмоқда. Шу йилнинг июн ойида Швецариянинг Тошкентда очиладиган элчихонаси ходимлари Ўзбекистонга кириб келишган эди. 18 сентябрда эса Швецариянинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси доктор Паул Випфли жаноблари Тошкентга келиб кўнди. Қуйида мухбиримизнинг жаноб Випфли билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этаемиз.

— **Жаноб Випфли, марҳамат қилиб ўқувчиларимизга аввало ўз ҳаёти йўлингиз тўғрисида икки оғиз сўзлаб берсангиз.**

— 1935 йили Швецариянинг марказий туманларидан бирида таваллуд топганман. Мактабни тугаллаб Фрибург шаҳридаги университетнинг ҳуқуқшунослик куллибтида ўқидим ва ҳуқуқшунослик фанлари доктори диссертациясини ҳимоя қилдим. Фрибург Франция чегараси яқинида жойлашган. Банк ишига қизиққанлигим сабабли уч йил банкда ишладим, сўнгра ташқи ишлар вазирлигига ишга олишди. Швецариядаги элчихонамизда бир йил ишлаб келганимдан сўнг, Бернда бироқ туриб Париждаги элчихонамизга ишга йўлланма олдим. Кейинчалик Эрон, Бразилия ва ва Покистондаги элчихоналаримизда ишладим. Покистондан қайтган Бернда Ташқи ишлар вазирлигининг иккинчи сийбаси бўлиши вазифасига тайинландим. Бироқ ишлагач Будапештга Швецария мухтор элчиси бўлиб бордим, кейинчалик Сантьягодаги элчихонамизни бошқардим. Энди эса мана Ўзбекистон давлатига мухтор элчи бўлиб келдим.

— **Жаноб элчи, давлатингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз.**

— Марҳамат жоним билан. Бизнинг мамлакатимиз, яъни Швецария унчалик катта эмас. Марказий Европада жойлашган бу давлат 28 та кантон, яъни кичик маъмурий-ҳудудий ўлкаларнинг конфедерациясидир. 1987 йилдаги ҳисоблар бўйича майдони 41293 км<sup>2</sup>, аҳолиси сони 6523000 нафар. Немис, француз ва италян тиллари давлат

тили ҳисобланади. 1938 йилдан бошлаб реторман тили ҳам расмий тил сифатида қабул қилинган. Пул бирлигимиз Швецария франки деб юритилади, у 100 раппенга тенг, яъни сизлардаги бир сўм 100 тийин дегандек гап. Мамлакатимиз Франция, Италия, Австрия, Лихтенштейн ва Германия Федератив республикаси билан чегарадош. Ҳалқимиз, яъни швецарияликлар немис, француз, италян ва рето-

У 25 ёшга кирди.

— Уларнинг ҳаётига доир баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим. Углингиз уйланишига қизиқиб эдим. Углингиз турмушга чиққанми!

— Йўқ. Уйланиш, турмушга чиқиш масаласини бизда ёшларнинг ўзлари ҳал қилишади. Ота-оналар эса имконига қараб моддий ва маънавий ёрдам беришади.

— **Баъзан биз: «Чет элларда фар-**

## ФУТБОЛ—ЖОНИ ДИЛИМ

роман тил ва маданий ҳамжамияти таркибига кирсада, алоҳида миллий бриллики ташкил этади. Аҳолининг 75 фоизи Швецария немисчасида 20 фоизи Французча, 6 фоизи италянча ва бир фоизи реторман тилида гаплашади. Пойтахтимиз Берн шаҳри, бундан ташқари Цюрих, Базел, Женева, Лаузанно, Винтертур, Луцерн, Бийл каби катта шаҳарларимиз бор. Швецария юқори даражада тараққий этган санаят мамлакатидир. Бу ерда машина ва ускунаСОЗЛИК, уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, тўқимачилик ва химия санаяти ҳамда соатСОЗЛИК жаҳон миқёсидаги олдинги ўринларда туради. Бироқ бизда кўмир бироз тақчил, шу сабабли гидроэлектростанциялар жонимизга оро киради, санаятимиз, транспортимиз тўлиқ электрлаштирилган. Ташқарига асосан турли машиналар, асбоб ускуналар, соатлар, химия маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотамиз. Савдодаги асосий шерикларимиз Германия, Европа ҳамжамияти давлатлари, АҚШ, Япония ва Бразилия эди. Шулар қаторига, мана қадам бақадам Ўзбекистон давлати ҳам қўшилиб бормоқда. Бундан биз жуда хурсандимиз ва ҳамкорлигимиз равнақ топади деган умиддамиз.

— **Жаноб элчи, энди онлангиз тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.**

— 1964 йили уйланганман. Икки нафар фарзандимиз бор. Аёлим ўқитувчи, оила ҳужалиги деган фандан дарс беради.

— **Қизиқ, бу қанақа фан! Нималар ўргатади!**

— Овқат пишириш, идиш-товоқ ювиш, кир чайишдан тортиб оилавий ҳаётнинг барча иқир-чиқирларигача бизнинг мактабларда махсус фан сифатида ўргатади. Бунга биз алоҳида бир эътибор билан қараймиз. Фарзандларимизга келсак, қизим 24 ёшда. У ҳозир университетда япон тили, фалсафа ҳамда немис тилидан тахсил олмақда. Уғлим менинг изимдан кетди. Ҳуқуқшунослик факултетини тугатиб, ҳозир адвокат бўлиб ишламоқда.

зандларини 18 ёшга етгунча ўқитиб, тарбия қилишадилар, сўнгра маълум миқдорда маблағ беришиб, энди ўз рўзгорингни ўзинг тебрат дейишадилар, деган гапларни эшитиб қоламиз. Сизнинг мамлакатингизда ҳам шундайми!

— Йўқ, бу нотўғри. Қайси ота-она фарзандига шундай дейди? Ота-она учун фарзанд бир ёшли бўлса ҳам, ўттиз ёшли бўлса ҳам — фарзанд. Бироқ фарзанд 18 ёшга тўлгач, мустақил фуқарога айланади. Сайлаш, сайланадиган ҳуқуқига эга бўлади. Ота-онасидан алоҳида яшаш ёки улар билан бирга турлини фарзанднинг ўзи ҳал қилади.

— **Кўп болали оилаларга давлат ёрдам берадими!**

— Ҳа, албатта. Агар оила кўп болали бўлса ота ёки онанинг ойлик маошига маълум миқдорда болалар учун пул қўшиб берилади, бироқ Европада ижтимоий шарт-шароитларнинг кескинлашиб кетганлиги сабабли кўп болали оиланинг ўзи жуда кам. Бир оилада уч нафар фарзанд бўлса бу кўп болали оила ҳисобланади. Бизнинг давримизда бошқача эди. Биз оилада ўн жон эдик — отам, онам ва саккиз бола. Каттакон ҳовлимиз, аjoyиб бир боғимиз бор эди.

— **Тошкент бозорларини томоша қилдингизми! Сизга бозорларимизнинг қайси жиҳатлари ёқди, нималар ёқмади!**

— Тошкент бозорлари ёки умуман Осиё бозорлари мен учун янглик эмас. Юкорида айтганимдек, Эрон ва Покистон давлатларида ишлаганимда бозорларни кўп томоша қилганман. Тошкентнинг ҳам баъзи бозорларини бориб кўрдим, лекин ҳаммасини эмас. Мени хурсанд қилган нарси Ўзбекистон бозорларининг тўқин-сочинлигидир. Нарх-наволарнинг баландлиги ўткинчи нарса, энг асосийси инсон ҳаётига зарур бўлган кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар ва мева-чеваларнинг бозорларда, дўконларда борлигидир.

— **Гапингиз тўғри. Бизда: «Тишин берган худо ризқини ҳам беради» де-**

ган мақол бор. Тинчлик, соғлиқ бўлса бас, қолган ҳаммаси аста-секин ўрнига тушади. Олдиндан уэр, яна бир савол. Гапингизга қараганда сиз 29 ёшингизда уйланган экансиз. Ҳозир мамлакатингизда ёшлар асосан неча ёшга кирганда турмуш қуришади!

— Йигит-қизларимиз асосан 28-30 ёшга кирганда турмуш қуришмоқда. Сизларда эса бу ёшдаги баъзи йигит-қизларнинг 10-12 ёшдаги фарзанд-

лари бўлади деб эшитдим. Ёшларимизнинг сизлардагига қараганда анча кеч турмуш қуришининг маълум сабаблари бор. Биринчидан, бизда ёшлар иссиқ мамлакатлардагига қараганда бироқ кеңроқ воёга етса керак деб ўйлайман. Иккинчидан, ёшлар биронта ўқини тугатиб, оила тебратадиган бўлгунча ўттизга қоралаб қолади. Тўғри, ҳамма ҳам бирдек университетларда таълим олмайди. Мактабни тугатгач, биронта касб эгаллаб, ишга тутишган ёшлар никоҳдан ўтмасдан қолаб яшаб юришаверади. Афсуски, бу ҳолат кейинги пайтларда жуда ривожланиб кетган, мен буни фақат бизнинг мамлакатимиз эмас, балки бутун Европада хос бўлиб қолаётган иллат деб биламан.

— **Осиё мамлакатларида, умуман Ислон оламида никоҳсиз турмуш эно, гуноҳи азим ҳисобланади. Насроний динида ҳам бу иш ман этилган-ку.**

— Тўғри, ман этилган, бироқ ёшларимиз ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ҳамда бугун никоҳдан ўтиб, бир ойдан сўнг ажрашиб кетмаслик учун аввал бир-бирларини яхши билиб олиш мақсадида шу йўлни танлашаётган бўлсалар керак.

— **Яна бир савол. Спортга муносабатингиз!**

— Спорт жон-дилим. Ёшлиқдан футбол ўйнашга ўч эдим. Ёш бир жойга бориб қоляпти-ку, бироқ ҳали ҳам футболдан кўнгли узоқмайман. Телевизорда кўрсатиладиган барча футбол ўйинларини худди ўзим майдонда юргандек берилиб томоша қиламан. Кун тартибимда ҳам спортга алоҳида ўрин ажратганман. Эрталаб соат еттида туриб албатта 15—20 дақиқа енгил бадантарбия машқларини бажараман.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Йўлдош ПАРДА суҳбатлашди

## ЖЎНАТИЛМАГАН МАКТУБ

Тириклар... Улар ҳам ҳар хил. Қимлар дардинени қулоқ қоқмай эшитади. Кимдир бошини сарак-сарак қилганча ҳамдардик билдиради. Кимдир эса кўзларини лўқ қилиб тинглайди-да, миқ этмай тураверади. Мен улардан хафа эмасман. Чунки улар шу дарда чалинган. Бу дарди бедаво — лоқайдлик касалидир.

Сен ҳам ана шу лоқайдликнинг қурбони бўлдингми, Фарида. Эрта баҳор ирвинининг баҳорига хазон тушиди. Ҳали она сийнасига оғиз урмаган гўдагинга қўшилиб, тўрт порасидан тўрт томонинда чирқиллаб қолади. Ҳали эллика ҳам кирмаган, қадди-баси қиличдек отанг тобутингни елкасига олганда букилиб қолади. Бундан ортқ даҳшат борми, дунёда?!

Бруғ дунёга келиб нима қўридинг йзи? Уттиз баҳорни кўрган кўзларинг ўттиз биринчи баҳорига етиб келганда абадул-абад юмилади. Баҳор гулларидек очилиб келаётган гўдак бир вужуд

тупроққа кўмилди. Аслида шундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку?

Сен эса дунёда ёмон одам йўқ дердинг. Ҳаммани бирдай яхши қўрадинг, ишонардинг. Ана шу ишонч сени олиб кетмади, Фарида?!

Ахир сенинг ниятларинг қордай оқ нурдай нурафшон эди-ку! Наҳот тўғруқхонага ўзи юриб келган одамни тобутга солиб кўтариб кетишсан? Қани сен айтган ишонч? Асар лоқайдлик, мансабпарастлик, текинхўрлик кишан урмаганда йлмасмидинг, Фарида?..

Аксига оларканда, қақалоққа ёруғ дунёни нотабиий равишда (операция қилиб) кўрсатишга тўғри келган. Шунда оқ халатли халоскорлар ҳаёт ва мамот ўртасида жон олиб жон бераётган аёлни эмас, аксинча, ўз жигилдонларини ўйлашган. Ҳеч тап тортмай очик савдо қилишган. «Бир қўй олиб келиб берсангиз хотинингиз ҳам, бола ҳам омон қолади».

Бечора дўстим, олдин болам билан хотинимни қутқаринг, кейин ўнга қўй десангиз ҳам майли, деб увавало яланди. Йўқ, тошбағир ҳақим (ҳақим дейишга ҳам тилим бормайди). «Олдин қўй, кейин операция». Ноилож қолган дўстим бор пулини столга қўйиб қўй излаб кетган. Кечикса-да қўйини топиб келган. Йўқса, ёнингга яна бир бевақт узилган гул қўшиларидами?


Эшитганим бор, қассоблар пичоқ учи, пичоқ ҳақи деб ўзлари сўйган жонлиқдан озгина гўшт олишарди. Шундаям инсоф билан. Лекин жарроҳ қассоб эмас-ку?! Наҳотки... Наҳотки одамнинг қадр-қиммати, ҳаёти шунчалик пасайиб кетди? Ёки қўй жониворнинг баҳоси шу қадар ортиб кетдикиман? Эҳтимол, сенинг хуниг учун ҳам бир қўй беришганда омон қолармидинг.

Одамзот оёғига тикан кирса чидаёмайди. Сени 3 марта (тўрттинчисида ажалнинг йизи қутқарди) тилим-тилим

қилсалар чидадингми? Сен чидагансан! Яшаш учун кўрашгансан. Чунки яшашни ўша лоқайдлар севган каби севардинг. Мусоффо осмонга, чиройли гулларга, тиниқ сувдару гўзал оққушларга боқиб тўймадинг. Бутун дунёни гўдақларча бағринга меҳр билан босинг келарди. Энди эса бағринга тупроқни босиб ётибсан. Биз бу қай-фуга қандай чидайлик, Фарида? Афсус, ўзинг севган

гўзалликни ўзинг билмай ташлаб кетдинг. Бу армон ҳечам менга тинчлик бермайдди. Бошқа бир қимсага айтолмайман. Бугун сенга айтиб бироқ енгиллашгандайман. Бунинг учун сенинг руҳингни безовта қилганим учун кечир. Энди охирига обод, руҳинг тинч бўлсин! Сен кетган ўша дорулбақога улар эртами-кеч боришар...

Темир ҚУРБОН



Америка кўчаларида илгаридан қолган битта урф-одат ҳалигача ўз кучини йўқотгани йўқ. Америка кўчаларида ҳалигача қора танлиларга нисбатан адолатсизлик ва шафқатсизликнинг кундан-кунга хилма-хил турлари ўйлаб топилмоқда. Негрмисан, тамомсан! Инсингдан, жинсингдан, мартабангдан, қўша-қўша унволлар-у, ғайратингдан қатъий назар барибир пайти келганда ирқчиликнинг, миллатчиликнинг чангалида тананг олмосдан яралган бўлса-да, майда-майда бўлиб кетасан. Ҳаёт-ўзи шунақа. Бугунги шон-шухратинг, ҳавойи хаёлларинг бири-биридан юксак орзуларинг бориб-бориб охири армонларга айланади. Армон бўлганда ҳам энг каттасига, энг залворлисига. Дунёдаги жамики профессионал боксчилар ўртасида 3 карра жаҳон чемпиони — Америка Қўшма Штатларининг 1960-1980 йиллардаги шухрати Мухаммад Алининг ҳаёти ҳам фикримизнинг яққол далилидир. У бундан 20-30 йиллар олдин ер юзидagi энг абжир шахс ҳисобланарди. Абжирлиги шунда эдики, соатига 100 километр тезликда елиб кетаётган машинани икки қўли билан етти марта муштлаб қолшига ургурарди. Мамлакатнинг кенг ва чиройли кўчалари бўйлаб кунига саккиз соат тинимсиз югурса-да, чарчаш нималигини билмасди. Муштлашувлар жараёнида қолларидан тортиб лабларига қадар бот-бот ёрилиб, 32 тишидан 3 донаси синиб кетган бўлса ҳам ҳаётда ўзини доимо катта бир ўрмонни сўроқлаб турган шердек тутарди. Ешлигида у шундай бардошлу «жангич» эдики, рингдаги олишувлар натижасида жағ сугири бир неча бор ўз жойидан чиқиб, синиб кетган. Бармоқ, билак, елка суякларига тушган зарбалар дастидан манглайидан биқинига қадар бир неча ойлаб шишиб, кўкариб юрарди. Балки шунинг учун ушбу чемпионнинг яшаш шароити ҳам бошқаларникидан ўз, минг чандон ортик эди. У рингдаги 15 раундлик битта учрашув эвазига ўн минглаб доллар оларди. Хотин, бола-чақали бўлса-да, яна кимгадир ўйланиш майли борлигини билдирса, давлат президентининг эркатой кизларидан тортиб то гўзаллик Вашингтон, Нью-Йорк, Невада, фелделфизиялик «менман» деган эркак зотини қақшатиб кетган аёллару бева-бечораларга унинг тақлифига қарши боролмасди. Гапнинг лўндасини айтганда Мухаммад Али ҳаётининг маълум бир даврида худди ўзи орзу қилгандек яшайди. Аммо доврўги, шон-шухрати энг баяндоқ нуктага етиши билан битта мудҳиш хатога йўл қўйдики, йиллар оша дунёнинг қонли рингларидан мисқоллаб йиғиб олган обрўси бир зумда ер билан битта бўлди.

Унинг асли номи биз ёганимиздек Мухаммад Али эмас, туғилган пайтида ҳам биз билганимиздек мусулмон бандаси бўлмаган.

Кассиус Мартселлиус «Клей» (Мухаммад Али) 1942 йилнинг 17 январиди Қўшма Штатларнинг жанубидаги иқлимлардан бирида дунёга келган. Орадан 22 йил ўтгач, ислом динини қабул этди ҳамда бундан буён ўзини Мухаммад Али деб эълон қилди. Онаси Одетта хонимнинг айтишича, Клей ёшлигида тенгдошларига қараганда икки-уч баробар кучли ва ўзгаларнинг гапини ерда қолдирмайдиган мўмин-қобил фарзанд бўлган. Она туғруқхонада пайтида ўғлини ҳамширалар бошқа бир чақалоқ билан алмаштириб юборишган. Бироқ Одетта хоним ўғилчасининг бўйинидаги исми-шарифи ёзилган тахтадан таниб қолган...

Ким билади, дейсиз? Балки Клейга отаси велосипед олиб беришганда ўғил боксни эмас, ҳаётнинг бошқа бир соҳасини танилаб кетган бўлармиди? Пешонасига битилган экан, ақинидада сотиб олган велосипеднинг кўча безорилари томонидан ўғирланиши Кассиус Клейнинг ҳаётини тўппа-тўғри дунё рингидаги қонли муштлашувлар сари бошлади. У ўғирланган омонатини топиб бериш учун маҳаллий полицияларга мурожаат қилди ҳамки, дастлабки мураббининг «қарамоғи»-га тушди. Бахтни қарангки, ўғирлик

билан жиддий текширув олиб борувчи полициячи штатдаги «Колумбия Жим» ҳаваскор боксчилар клубининг ишончли тарбиячиларидан эди. Клей шу йўқотишда велосипедини қайта кўрмади. Орадан олти кун ўтиши билан роппа-роса 12 ёшида ўша полициячи устозлигида бокс билан шуғуллана бошлади. Машғулотларнинг биринчи кунийк синав тариқасида уни шу клубда кўндан бери шуғулланаётган тенгдошига қарама-қарши «жанг»га туширди. Клей рақибини осонлик билан мағлубиятга учратиб дунё рингидаги

юзасидан ишбилармон ҳамда махсус менеждерлар томонидан Кассиус Клейни профессионаллар ичида ўртаҳол ҳисобланган боксчи билан синаб кўриш фикри ўртага ташланди ва бу жангнинг 1960 йилнинг 29 октябрда ўтказишга келишиб олинди. Клейнинг профессионаллар ўртасидаги дастлабки рақиб 5-тоифадаги боксчи Хунсакер бўлди. Муштлашувда жуда катта қийинчиликлар эвазига Кассиус ғолиб чиқди. Шу кундан бошлаб у оғир вазндаги жаҳон чемпиони Арчи Мур раҳбарлигида шуғуллана бош-

либ боқди. Листоннинг бақириб чақиршиллари қуруқ ваҳима эканлиги ҳаммага маълум бўлди. Шу кундан эътиборан Клейнинг (Мухаммад Алининг) номига дунё профессионаллари ўртасидаги жаҳон чемпиони деган гап қўшиб айтиладиган бўлди.

Эндиликда 22 ёшли Клей илгариги 18 ёшли Клейдан ҳар томонлама фарқ қиларди. Бироз кўполлашди, баттарроқ ҳаволанди. Кўпроқ мол-дунё тўплади. Ғурури, ори тобора баландлади. Аммо унда битта яхши фазилат пайдо бўлдики, буниси ўз номини яна бир

# ДУНЁДАГИ ЭНГ АБЖИР ОДАМ

## ЭКИ БОКС БҮЙИЧА ДУНЁ ПРОФЕССИОНАЛЛАРИ ЎРТАСИДА 3 КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ МУҲАММАД АЛИНИНГ ҚУЛАШИ

дастлабки ғалабасини кўлга киритди. Шу-шу унинг умри бутунлай даҳшатли муштлашувлар домига сингиб кетди.

1960 йилга қадар Кассиус Клей рингда 108 бор муштлашди. Шундан 100 жангнинг соф ғалаба билан тугатиб, бор-йўғи 8 учрашувда мағлубиятга учради. 6 бор АҚШ чемпиони бўлди. Яна шунча марта «Олтин қўлқоп» совринининг соҳибини бўлди. Мамлакатда ўзига хос ҳали ҳеч ким эришолмаган натижа кўрсатиб, худди шу йили 18 ёшида АҚШ олимпия терма командаси сафига қабул қилинди. Қувончи еру-қукка сиғмайди. Истаганча хаёл суради, истаган шахрнинг қоқ марказидан данғиллама иморат қуради. Бунинг устига кўнгли тусанган марказдаги ял-ял ёниб тургувчи машиналардан хоҳлаганча сотиб олади. Хуллас, вақтинча дунёда ундан ўзга бахтли банданинг ўзи йўқ эди. Аммо у билмасдики, бу кунлар бир зумда ўтиб кетади. Ҳали олдинда 5 йиллик қамоқ жағоси турибди.

1960 йилнинг 5 августи. Тун яримлаб қолганда Кассиус Мартселлиус Клейнинг кўксини яна бир унво — Жаҳон Олимпиадаси чемпиони нишонини беэди. Ичида бир неча чемпионолар қаторида олтин медал соҳибни Кассиус Клейни ҳам сифдирган улкан сув ости кемаси Америка қирғоқлари-га яқинлашар экан, Клей қуруқликка қадам қўйиши билан ватанидаги бокс ишқибозларининг даврасида кўлма-кўл бўлиб кетди. У бундан ажабланмади, албатта. Бор-йўғи ўзининг улғу шахслар дунёсига қўшилиб бораётганидан бироз ҳаволанди, холос. Соатлаб давом этган табриқлар ғалаёидан сўнг йўлни тўппа-тўғри бутун мамлакатга доғи кетган боксчи, жаҳоннинг экс чемпиони, доврўқли Жек Демпси-нинг шахсий ресторани томон бошлади. Қўлида лиммо-лим қадаҳ жуссасини гоз тутиб атрофдагиларга қуйидагиларни баён қилди.

— Бутун Америка халқи сизиниб келган жаҳоннинг экс чемпиони Жек Демпсининг унутилишига, кишилар хаёлидан бир умрга чегириб ташланишига озгина вақт қолди. Яқин кунлар ичида Қўшма Штатларнинг миллионлаб аҳолиси, дунё ахборот воситалари фақат мен ҳақимда гапира бошлайди...

Унинг ушбу нутқи қисқа лаҳзалар ичида мамлакатда бокс орқасидан кун кўрадиган ишбилармонларнинг қулгоғига етиб борди ва профессионаллик тўғрисида шартномалар тузиш тақлиф қилина бошланди. Клейга дастлабки шартномада курсатилишича, 10 минг доллар маблағ берилди-кан бўлди. Шунингдек, 35 ёшигача ҳар ойда 8 минг доллардан шахсий нафақа тайинланди. Ҳаваскор боксчилар рингда ҳаммаси бўлиб жами 3 раунд (9 дақиқа) муштлашди. Профессиналларга эса бу вақт аксарият ҳолларда ҳеч нарсани белгилаб беролмайдди. Улар бир мусобақада 15 раунд «ташлашиши» шарт. Бунга Клейнинг иродаси етармикан? Шу ваз

лади.

Хунсакер билан ўтказилган тажриба-синав олишувдан сўнг Клей кетма-кет яна 13 рақибини накаути билан мағлубиятга учратди. 1 йил 9 ой мобайнида 15 бор рингга чиқиб, ҳаммасида соф ғалабага эришди. Бу, албатта, АҚШда ишовчи профессионаллар ўртасида унинг баджаҳл рақиблари кун сайин кўпайиб бораётганидан иложи бўлса эндигина буй кўрсатаётган ёш олимпия чемпиони нафақат рингдан, балки ҳаётдан бутунлай улқотириб ташлашга тиш қайраётган жиноятчилар галасининг сони ортиб бораётганидан ҳам дарак берарди.

13 март, 1963 йил. Нью-Йорк штатидаги «Мэдисон Сквер Гарден» спорт саройи озги-бурнигача ишқибозлар билан лиммо лим тўлган. Кириш чиптасининг нархи 20 доллардан 100 долларгача кўтарилди. Оммавий ахборот воситалари эртадан кечгача Кассиус Клейни кетма-кет ғалабага эришуви қийнда ўтказиладиган навбатдаги муштлашувда ниҳоясига етишини пеш қилиб, турли ваҳимали хабарлар тарқата бошлади. Унинг бу галги рақиб дунёга доғ тاراتган таникли жаноб Жонес эди. Ишқибозларнинг 99 фоизи Жонесга тарафларини қилмоқда. Чунки унинг обрўси рақибиникидан анча устун эди. Хуллас, орақиб қутилган кун ҳам етиб келди. Мусобақа ўтказилди. Кўпчилик ўйлагандек, Жонес ўта кучли, кўл-оёғи чаққон, абжир спортчи экан. Бироқ Клей ундан ҳам оқори, тажрибали эканини исботлади. 10 раундлик муштлашувда очколар эвазига навбатдаги ғалабани кўлга киритди. Орадан бироз вақт ўтгач, қатор йиллардан буён Америка юлдузи саналиб келаётган Сони Листон билан дўппослашиш тўғрисида шартнома тузилди. Яна турли рекламалар рақибларнинг бир-бирига нисбатан одадий дўқ-пўписалари авж олиб кетди:

Клей: — Менинг иштирокидаги навбатдаги жангдан сўнг Вашингтон Оқ уйи рақибим Листоннинг майда булақларга бўлиниб кетган жағ суякларини абадийлаштириш учун турли чора-тадбирларни кўллаш бошлайди.

Листон: — Уйлашимча, мусобақадан сўнг, менинг кўлқопларим орасида Клейнинг суякларини йиғиштириб олиш учун врачлар етарли бўлса керак.

Клей: — Бутун дунёга шуни маълум қиламанки, агарда мана шу дўппослашувда Листон ҳақиқатан ҳам ғалаба қозонса, тўғридан тўғри рингда унинг оёқларини ўпаман. Сўнгра самолётга ўтираман-у дуч келган томонга қараб учиб кетаман. Америка мени қайта кўрмайди.

1964 йилнинг 25 февралда Клей Листон муштлашуви ўтказилди. Узоқ давом этган — спортчиларнинг тинка мадорини қуритадиган олишувда омад яна Кассиус Мартселлиусга ку-

марта жаҳонга шов-шув қилди. Мартабаси ошиб бориши билан ирқдошлари бўлиш негрлар тақдирини устида жиддий бош қотирадиган, иложини топса уларга қўлидан келганча ёрдамга чоғланадиган бўлди. 1964 йилнинг 26 февралда мусулмон динини қабул қилиб, бундан буёғига ўзини Мухаммад Али деб аташларини ҳаммага маълум қилди. Нима учун? Унга ушбу исм ва динга ўтиш қанақа фойда келтириши мумкин?

— Мен энгилмас жангчиман, — дейди у мусулмончиликни қабул қилар экан. — Бугундан бошлаб исми Мухаммад Али. Кассиус Клей деб аташларини ҳозирдан эътиборан ман қиламан. Жаҳон чемпиони Клей эмас, Мухаммад Алидир. Яна шуни таъкидлаётганим, менинг ирқдошларим — негрлар ҳам халқ, улар ҳам одам, қачонгача эзилиб яшаймиз. Бизга-да ер, — махсуддор ер керак. Давлат томонидан турли қулайликларга эга бўлишни истаймиз. Давлатнинг катта-катта лавозимларда ишлайдиган оқ танли жанобларимиздан ҳар бир кишини ўз ўрнида кўришни талаб қиламиз. Негрлар пассив эмас, актив халқ.

Мухаммад Али ҳозиргача мусулмон динида. Унинг отаси Мартселлиус асли расом бўлиб ишлаган, укаси Руди ҳам бокс билан жиддий шуғулланиб келмоқда. Акаси билан бир вақтнинг ўзига мусулмонлар сафига қўшилиб, исмини Раҳмон Али деб ўзгартирган Мухаммад Алининг турмуш ўртоғи Сони Рой ислом динини қабул қилишга рози бўлмаганлиги туфайли эри билан чиқши олмади. Сони хоним баданини бутунлай ёпиб турадиган либосда юришни ўзига эп кўрмади. Мухаммад Али эса хотини ярим очик кийимда кўчама-кўча санқшини, мусулмон йигитининг ғурурига, урф-одатига тўғри келмаслигини таъкидлаб, судга ариза берди ва бу оила ажрим қилинди.

Одатда мусулмончилик чекишга ичишга бутунлай қарама-қаршидир. Шунингдек, Мухаммад Али кўнглили равишда аъзо бўлган қора танли мусулмонлар галаси қон тўкишга ва ўз ўрнида боксга ҳам ноодатий ҳол деб қарашади. Аммо улар Мухаммад ҳамда унинг укаси Раҳмонга бундан буён ҳам рингда бемалол виждонан, ҳалол муштлашишга руҳсат этишди. Ушбу руҳсатноманинг остида албатта қора танли мусулмонлар тўдасини жаҳон бўйлаб овоза қилиш манфаати ҳам ётарди. Кимсан, Мухаммад Алидек дунёда доғи кетган чемпионнинг диндоҳисан?!

«Қачондир мен ҳам барибир бир кун рингда мағлубиятга учрайман. Бу Худонинг қайси кунда, қайси шарҳда ва қандай ҳолатда рўй бериши ўзимга ҳам номаълум. Эҳ, ҳаёт, кимдан энгилишимни билсам эди...

(Давоми келгуси сонда)

Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.

# МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «НАВРУЗ» ВА «МАҲАЛЛА»  
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН  
УН МАРТА УЙНАЛАДИГАН ПУЛ-ЮТУҚЛИ ТЕЛЕВИЗИОН  
ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

ЧИПТАНИНГ НАРХИ 200 СЎМ, УШБУ ЛОТЕРЕЯ  
ЎЙИНИДА ҚУЙИДАГИ ЮТУҚЛАР БОР: 50 ТА 10,0 МЛН.  
СЎМЛИК, 50 ТА 5,0 МЛН. СЎМЛИК, 75 ТА 1,0 МЛН.  
СЎМЛИК, 125 ТА 500 МИНГ СЎМЛИК, 250 ТА 250 МИНГ  
СЎМЛИК, 250 ТА 100 МИНГ СЎМЛИК, 500 ТА 50 МИНГ  
СЎМЛИК ВА ҲОКАЗО.

«Н  
А  
В  
Р  
У  
З»



«М  
А  
Х  
А  
Л  
Л  
А»

1,0, 5,0 ва 10,0 млн. сўмлик ютуқ чиққан лотерея чиптасининг эгалари «Наврўз» хайрия жамғармаси орқали энгил машина, уй-рўзғор буюмлари ва радиоаппаратураларини сотиб олишлари мумкин. Хайрия лотереяларининг тиражи 1993—1994 йиллар давомида 10 мартаба, ҳар ойнинг 15-кунда ўтказилади. Ҳар бир тиражда 200 млн. сўмлик ёки 270 мингта ютуқ ўйналади ва ютуқларнинг умумий миқдори 2 миллиард сўмдан ошади. Бунақаси бўлган эмас. 200 сўмлик 1 дон лотерея чиптаси икки йил давомида сизнинг ҳамроҳингиз бўлади. Хайрия чиптаси доимо қал-

бингизда умид уйғотади:

У пулдан қадрли ва заёмдан қудратлироқдир. Кўп марта ўйналадиган хайрия лотереяси ҳеч қачон бизнинг Ватанимизда, ёхуд МДХ мамлакатларида чиқарилган эмас.

Лотереядан тушган маблағнинг учдан бир қисми хаста дилларга малҳам бўлади. Миллий қадриятларимиз ривожига, маҳаллаларимиз ободончилигига сарфланади. Хайрия лотереяси — бу сизнинг ошангизга, қўшнилариңгизга, маҳалла ва улуг Ватаниңгизга инъом этган саховатингиздир.

## ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахан ЕҚУБОВ, Фарҳод РУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОВОДА, Ҳалим САЙИИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САҒОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўналиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Ойла ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.  
Телефон: 39-43-95.

Ҳалим САЙИИД навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-661. 23 189 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табақ.